

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
МУХАНДИСЛИК ҚУРИЛИШ ИНФРАСТРУКТУРАСИ ФАКУЛЬТЕТИ

«Геодезия ва кадастр» кафедраси

Йўналиш: 5311500 - «Геодезия, картография ва кадастр»

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

кафедра мудири Назаров Б.Р.

“__” _____ 20 __ йил.

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИ (ИШИ) БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба Садуллаев Хурсандбек Фарходович

1. Диплом лойиҳаси (иши) мавзуси: Хоразм вилояти Хазарасп туманидаги Гурлан шолічилик массиви ерларини хисобини юритиш ва баҳолаш .

Ректорнинг “19” *ноябрь* 2014 йил. №2/323 сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. Диплом лойиҳаси (иши)ни олд ҳимояга тақдим этиш муддати: 15 июнь 2015
йил

3. Мавзу бўйича дастлабки маълумотлар берувчи адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Т., Адолат, 2994
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни Т., Адолат, 2004
2. Ўзбекистон Республикаси ВМнинг қарори “Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисида” 1998 йил 31 декабрь Т., Адолат, 2004
4. Мавзу бўйича объект маълумотлари, график маълумотлар, махсус адабиётлар ва меъёрлар

4. Диплом лойиҳаси (иши)нинг мақсади ва ҳал қилинадиган масалалар:

Кириш. 1. Қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобини юритиш ва баҳолашнинг назарий ҳамда услубий масалалари. 2 – боб. Қишлоқ хўжалик массивининг табиий, ижтимоий иқтисодий шароитларининг тавсифи. 3 – боб. Қишлоқ хўжалик массиви ерларини ҳисобини юритиш ва баҳолаш ишларини ўтказиш
Хулоса ва тавсиялар. Фойдаланилган адабиётлар. Иловалар.

5. График қисм материаллар рўйхати:

1. Қишлоқ хўжалик массиви ерларини мавжуд жойлашув плани

2. Қишлоқ хўжалик массивининг тупроқ картаси

3. Хўжаликнинг ер ҳисоби ва ер баҳолаш картаси

4. Ер баҳолаш шкаласи ва суғориладиган майдонларни иқтисодий баҳолаш кўрсаткичлари

6. Маслаҳатчилар:

Бўлимлар	Маслаҳатчи Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
		Топшириқ берди	Топшириқ қабул қилинди
<u>1 боб. . Қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобини юритиш ва баҳолашнинг назарий ҳамда услубий масалалари</u>	Бабажанов А.Р.		
<u>2боб. Қишлоқ хўжалик массивининг табиий, ижтимоий иқтисодий шароитларининг тавсифи</u>	Бабажанов А.Р.		
<u>3боб. Қишлоқ хўжалик массиви ерларини ҳисобини юритиш ва баҳолаш ишларини ўтказиш</u>	Бабажанов А.Р.		
<u>4боб. Хаёт фаолият хавфсизлиги</u>	Маҳкамов.С		

7. Диплом лойиҳаси (иши)ни бажариш режаси:

№	Босқичлар номи	Бажариш муддати	Бажарилганлик белгиси (раҳбар имзоси)
1.	Диплом лойиҳасини бажариш учун топшириқ олиш ва ишчи режа тайёрлаш	20 -26.XI.14	
2.	Мавзу бўйичаа меъёрий хужжатлар ва махсус адабиётларни ўрганиш, таҳлил вилиш ва шу асосда лойиҳанинг “кириш” қисмини таёрлаш	27. XI.-2014 – 4. I. 2015	
3.		05. I. – 14. II	
4.	Диплом лойиҳасининг назарий бўлимини тайёрлаш ва расмийлаштириш	15. II -20. III	
5.	Лойиҳанинг 2 – боби устида ишлаш, материалларни тоҳлил қилиш ва бобни тўла ниҳоясига етказиш	21 III – 14 V	
6.	Диплом лойиҳасининг 3 – боби устида ишлаш ва уни тўла расмийлаштириш	15 V - 5 VI	
7.	Ишни тўла ниҳоясига етказиш, график материалларни таёрлаш ва расмийлаштириш	6-15VI-2015	
	Олд химоя учун диплом лойиҳасини кафедрага топшириш		

Диплом лойиҳаси (иши) раҳбари: доц. Бабажанов А.Р _____
(Ф.И.Ш.) (имзо)

Топшириқни бажаришга олдим: Садуллаев Х.Ф. _____
талаба имзоси

“ 22 ” ноябрь 2014 йил

Топшириқ 2 нусхада тўлдирилади 1-нусха талабада, 2-нусха кафедрада сақланади

Мундарижа

КИРИШ

1-Боб. Қишлоқ хўжалик ерларини ҳисобини юритиш ва баҳолашнинг назарий ҳамда услубий масалалари.

1.1. Қишлоқ хўжалик ерлари, улардан фойдаланишни ташкил этиш.

1.2. Қишлоқ хўжалик ерларини ҳисоблаш юритишнинг асосий хусусиятлари.

1.3. Қишлоқ хўжалигидаги ерларни баҳолаш ҳамда ундан фойдаланиш.

2-Боб. Шоличилик массивининг табиий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларининг тавсифи.

2.1. Қишлоқ хўжалик массиви тўғрисида умумий маълумот.

2.2. Массив табиий шароитларининг тавсифи. Иқлими, рельефи, тупроқлари.

2.3. Массив ҳудудидаги аҳоли пунктлари, суғориш ва коллектор тармоқларининг тавсифи.

2.4. Массивнинг ер фонди ва ундан фойдаланиш.

2.5. Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни яхшилаш бўйича тавсиялар.

3-Боб. Шоличилик массиви ерларининг ҳисоблаш юритиш ва баҳолаш.

3.1. Массив ҳудудида ер ҳисобини юритиш ва ҳужжатларини расмийлаштириш.

3.2. Қишлоқ хўжалик массивида тупроқлар бонитировкасини ўтказиш.

3.3. Суғориладиган ерларни иқтисодий (норматив) баҳолаш.

4 боб. Хаёт фаолият хавфсизлиги.....

Хулоса.....

Адабиётлар.....

Иловалар.....

КИРИШ.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай воситаларидан оқилона, самарали ҳамда имкони борича тўлароқ фойдаланиш энг аввало, яъни биринчи галда унинг асосий ва муҳим хусусиятларини билиш, ўрганишга, шунингдек уларни ўз жойида қўллашга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу қоида бошқа ишлаб чиқариш воситалари қатори ерга, яъни ишлаб чиқаришнинг ажралмас бўлаги ҳисобланган ер ресурсларига ҳам тааллуқли бўлиб, Республика ҳудудларида жойлашган турли туман шарт-шароитларига эга бўлган, ранг-баранг ҳуқуқлар асосида фойдаланилаётган ерларни ўрганиш, уларни баҳолаш, ушбу ер баҳолаш маълумотларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, қишлоқ жойларидаги аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашни талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида, ушбу ҳудуддаги мавжуд ишлаб чиқарувчи кучларни бозор муносабатларига мос равишда ривожланишини, асосий миллий бойлигимиз ҳисобланган ердан фойдаланишни ташкил этишда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида бу хусусида шундай ёзади: «Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишини структура ва инвестиция сиёсатини қайтадан кўриб чиқиш, барпо этилган ишлаб чиқариш қувватидан, ижтимоий ва маънавий имкониятларидан фойдаланиш соҳасида ўтказиладиган ва ҳозирни ўзидаёқ ўтказиладиган стратегияга мана шундай ёндашув асос қилиб олиниши керак» [130 б].

Шундай экан, ердан фойдаланишни, айниқса қишлоқ хўжалигидаги ерлардан фойдаланишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, миқдорий ва сифат ҳисобини доимий равишда юритиб бориш, уларни баҳолашни амалга ошириш, ҳуллас бундай ерлар тўғрисида ҳуқуқий, миқдорий, сифат ва қиймат ахборотларини

шакиллантириш давлатнинг асосий тадбирларидан бири ҳисобланган ер кадастрларида амалга оширилади.

Қайд қилиш зарурки, Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», «Давлат ер кадастри тўғрисида» ги қонунига ва бошқа қонуний меъёрий ҳужжатларига биноан» Давлат ер кадастри –ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий тартиби тўғрисидаги, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва қиймати тўғрисидаги, ер участкаларининг жойлашган ўрни ва ўлчамлари тўғрисидаги, уларни ер участкаларининг мулкдорларига, ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат. Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, ер тузиш ва ер мониторингини ташкил этиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорларини асослаш, хўжалик фаолятига баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш мақсадида юритилади.

Давлат ер кадастрининг маълумотлари муҳим иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги билан ажралиб туради. Унинг маълумотларидан иқтисодиёт тармоқларининг турли-туман масалаларини ижобий ҳал этишда, жумладан ер солиғи ставкаларини белгилашда, ер учун ижара ҳақи миқдорларини аниқлашда, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорликларини режалаштиришда, ипотекани ривожлантиришда, атроф-муҳит экологиясини барқарорлаштиришда, суғурта тизимини жорий этиш ва таккомиллаштиришда ва умуман, ердан фойдаланишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ижобий ҳал қилишда кенг фойдаланилади.

Маълумки, ердан фойдаланишни, хусусан қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишни ташкил этишнинг муҳим йўналишларидан бири-қишлоқ хўжалик массивлари кадастрини тузиш ва ерларини баҳолаш ҳисобланади. Ҳар бир қишлоқ хўжалик массиви таркибида қатор фермер

хўжаликлари фаолият кўрсатади. Шундай экан, ушбу фермер хўжаликларининг ер участкаларини миқдорлари, сифати ва қийматм тўғрисида ягона ахборат базасини шакллантириш ҳамда бу базани ҳар йили янгилаб бориш массив ерларидан, унга етиб келадиган суғориш сувидан, меҳнат ресурсларидан яхшириоқ фойдаланиш имконини беради. Айнан шу масала Орол бўйи минтақасида жойлашган Хоразм вилоятининг шолчиликка ихтисослашган массивлари учун ҳам жуда аҳамиятлидир. Ушбу экинни экиш ва ундан юқори ҳосил олиш бўйича вилоятда катта тажриба тўпланган. Аммо бундай ерларни кадастрини тузиш масаласи ҳалигача етарли ҳал қилинмаган. Буларнинг барчаси диплом лойиҳаси учун мавзунини ушбу йўналишда танлашга асос бўлди.

Диплом лойиҳасининг мақсади ва вазифалари. Диплом лойиҳасининг мақсади-шолчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалик массивида ер ҳисобини юритиш ва ерларни баҳолаш ишларини бажаришдан иборатдир. Ушбу мақсадга эришиш учун диплом лойиҳасининг олдида қуйидаги вазифалар қўйилади:

- ер ҳисоби ва ерларни баҳолашнинг назарий масалаларини кўриб чиқиш;

- лойиҳа объекти бўйича зарурий маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;

- қишлоқ хўжалик массивида ерларни миқдорий ва сифат ҳисобини юритиш;

- массив ерларини қиймат баҳосини аниқлаш ва шу асосда ердан фойдаланишни ташкил этиш.

Диплом лойиҳасининг объекти. Хоразм вилояти Хазорасп туманида шолчилик ихтисослиги бўйича фаолият юритаётган Гурлан массивининг ерлари лойиҳасининг объекти сифатида танланди.

Лойиҳани бажаришда қўлланиладиган усуллар ва фойдаланилган материаллар. Лойиҳани ишлаб чиқиш ва тайёрлашда монографик, ҳисоб-китоб, таққослаш, гуруҳлаш, статистик таҳлил усуллари қўлланилади. Бундан


ташқари, ишлаб чиқариш амалиёти даврида объект бўйича тўпланган материаллардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларидан, Ўзбекистон Республикаси қонунларидан, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларидан, махсус адабиётлардан, маълумотномалардан диплом лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилди.

1-Боб. Қишлоқ хўжалик ерларини ҳисобини юритиш ва баҳолашнинг назарий ҳамда услубий масалалари.

1.1. Қишлоқ хўжалик ерлари, улардан фойдаланишни ташкил этиш.

Маълумки, асосий табиий ресурслар ичида ер алоҳида хусусиятга эга бўлган ресурс ҳисобланади. У бир томондан табиий ресурс ҳисобланадиган бўлса, иккинчи томондан иқтисодиёт тармоқларининг ишлаб чиқариш воситаси ҳамда уларни жойлаштиришнинг кенглик асоси ҳам саналади.

Экологик ёки табиий нуқтаи назардан қараганда ер-қуруқликнинг муҳим бирикмаси ҳисобланади ҳамда табиий ресурсларнинг таркибий қисмига киради. Бунда ресурсларнинг ўзи кишилар учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликлар манбаи ҳисобланади. Ушбу бойликлардан ҳозир бизда мавжуд бўлган техналогик ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шароитида кенг фойдаланиш мумкин. Албатта бунда юқоридагилар билан бир қаторда моддий ва меҳнат ресурслари ҳам мавжуд бўлмоғи даркор. (1-чизма)



1-чизма. Ресурсларнинг умумий тавсифи.

Ер ресурслари деб, Табиий-тарихий ривожланиш белгилари бўйича бири-биридан фарқ қилувчи, маълум мақсадлар учун фойдаланиладиган ёки фойдаланишга яроқли бўлган ерга айтилади [5 б]. Аммо ер тушунчасини қаралаётган нуқтаи назардан анча ойдинлаштириш мумкин. У кўпинча


хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган. Хусусан, уларнинг асосийлари қуйидагилардир: Жойнинг кенглиги ва унинг рельефи, тупроқ қатлами, табиий ўсимликлари, гидрографик ва гидрогеологик шароитлари. Ушбу хусусиятлар ерни табиатнинг бир бўлаги ёки бўлмаса табиий тана сифатида тавсифлайди.

Иқтисодий нуқтаи назардан эса ер ишлаб чиқариш воситаси сифатида тушунилади ва қаралади. Ер тушунчаси бу ерда моддий объект ҳамда жамият ишлаб чиқаришида мавжуд бўлиш жараёнининг объектив бирлиги сифатида тушунилади. Хусусан, ишлаб чиқаришга жалб қилинган ер ишлаб чиқариш воситасига айланади (меҳнат предмети ва қуроли сифатида). Бу жараёнда ерга, албатта, жонли ва буюмлашган меҳнат қўшилади.

Ернинг бошқа яна бир иқтисодий меҳнати шундан иборатки, у халқ хўжалигининг ҳар қандай тармоғида ишлаб чиқариш жараёнини жойлаштириш ва амалга ошириш учун моддий шароит (кенглик пойдевори) сифатида, умуммеҳнат воситаси сифатида гавдаланади. Демак, ер меҳнат жараёнини амалга оширишнинг зарурий шarti вазифасини ўтайди. Иккинчи тамондан эса, ер барча ишлаб чиқаришни амалга оширишда зарурий моддий шароит ҳисобланади.

Эътироф этиш зарурки, ишлаб чиқариш воситаси ҳамда ишлаб чиқарувчи кучлар ва ижтимоий объектларни жойлаштириш учун ҳудудий макон сифатида ер чекланган ресурс ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ерни қиймати доимий равишда ошиб бораверади. Негаки аҳоли сонини ўсиши, ўз навбатида, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом-ашё ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ерларга нисбатан талабнинг ўсишига олиб келади. Бу эса, ер қийматини ўсишини келтириб чиқаради. Турли мақсадларда фойдаланиладиган ерга бўлган талаблар бир-бирларидан катта фарқ қиладилар. Бунинг оқибатида ерларнинг табиий чекланганлиги турли йўллар билан бартараф этилади.

Иқтисодиёт тармоқларининг турли жабҳаларида ва инсон фаолиятида мақсадли фойдаланилишига қараб ер қуйидаги тоифалар бўйича таснифланади. (2-чизма)



2-чизма. Ердан фойдаланишни тиоифалари бўйича таснифлаш.

Ушбу ер фондини ер тоифалари бўйича тақсимланишини ягона Республикамиз маълумотлари (1-январь 2012-йилга) қуйидаги, 1-жадвалда келтирилади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ер фондини ер тоифалари бўйича тақсимланиши
(2012-йил 01.01. га)

№	Ер Тоифалари	Майдони	
		Минг га	%


1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар.	20473,5	46,10
2	Аҳоли пунктларининг ерлари.	216,3	0,50
3	Саноат транспорт алоқа муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар.	911,0	2,05
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	75,9	0,17
5	Тарихий-маданий мақсадларга мўлжалланган ерлар.	4,7	0,01
6	Ўрмон фонди ерлари.	9635,9	21,69
7	Сув фонди ерлари.	830,3	1,86
8	Захира ерлари.	12262,7	27,62
	Жами ерлар.	44410,3	100,0

Жадвал “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвалдаги маълумотлардан ҳам кўринадики, мамлакат ер фондининг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерлар (46,10%) ташкил этади.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, қишлоқ хўжалигида ер нафақат уни мавжуд бўлишининг моддий шарти сифатида, балки асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ҳам иштирок этади. Бундан ташқари, ушбу ишлаб чиқариш воситаси ҳам меҳнат предмети, ҳам меҳнат воситаси бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга ер ишлаб чиқариш қуроли сифатида фақат қишлоқ хўжалиг ишлаб чиқариши жараёнининг ўзи шаклланган вақтдан бошлаб иштирок этади. Ернинг ўзи меҳнат воситаси ҳисобланад лекие уни деҳқончиликдаги меҳнат воситаси сифатида фаолият кўрсатиши, ўз навбатида, бир қатор бошқа меҳнат воситаларини ва ишчи кучининг нисбатан юқори даражада ривожланишини назарда тутди. Бошқа ишлаб чиқариш

воситаларининг ва биринчи навбатда меҳнат қуролларининг таъсири остида ишлаб чиқаришининг табиий қуроли сифатида ер хусусиятларини яхшилаш, инсон меҳнатининг маҳсули сифатида яратилган бошқа ишлаб чиқариш қуроллари билан ҳамкорлик қилиш учун ушбу хусусиятларни яхшилаш жараёни кечади. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида ер, захира сақловчи ашё сифатида, ишлаб чиқариш фаолияти орқали эгалик қилиши лозим бўлган истеъмол қийматини ўзида мужассамлаштиради. Бундан келиб чиқадики, ернинг табиий хусусиятларидан оқилона фойдаланиш ва уларни яхшилаш бир ер майдонининг ўзидан чекланмаган миқдорда маҳсулот олишни таъминлайди. Ернинг ишлаб чиқариш хусусияларини яхшиланишига жамият ривожига ҳамда фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов бериш усуллари такомиллаштириш, тўпланган амалий тажрибалардан унумли фойдаланиш натижасида эришилади.



3-чизма. Қишлоқ хўжалик ерларининг таркибий тузилмаси.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерлар ҳам ўзларининг табиий-тарихий ривожланиш хусусиятларига қараб ранг-барангдир. Уларни одатда қуйдагиларга ажратиш қабул қилинган. (3-чизма)

Эътироф этиш зарурки, ушбу ер турлари ичида экин ерлари ва айниқса, кўп йиллик дарахтзорлар эгаллаган ерлар муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу ерлар самарадорлигини ошириш фойдаланиладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш, илғор агротехникани жорий этиш, ўғитларни асосланган тизимини қўллаш, сувдан фойдаланишни яхшилаш, қишлоқ хўжалик экинларининг юқори ҳосилли навларини жорий этиш ва бошқа тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳисобидан таъминланади. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳосилдорлигини оширишга йўналтирилган маблағ, ер қийматини ўсишининг асосий манбасидир. Бунда шуни алоҳида таъкидлаш лозим бўладики, қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳосилдорлигини ошириш учун турли ҳажмлардаги маблағлар талаб қилинади, шунинг учун ушбу тоифа ерлар қийматининг ўсиши ернинг ҳар бир тури учун ҳар хил бўлади. Бу ҳолат қишлоқ хўжалиги ерларининг қийматини баҳолашда ер турлари бўйича фойдаланиш ва тақсимлаш хусусиятларини ҳисобга олиш заруриятини келтириб чиқаради.

Бугунги бозор иқтисодиёти нуқтаи назардан қишлоқ хўжалик ерларини тадқиқ қилиш шуни намоён қиладики, ушбу ерлар орасида кўп йиллик дарахтзорлар (боғлар, узумзорлар, тутзорлар ва ҳакозолар) билан банд ерлар алоҳида аҳамият касб этадилар. Гап шундаки, бу майдонлар бир томондан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш манбаи сифатида қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланса, иккинчи томондан мевали дарахтларни жойлаштиришнинг кенглик асосидир. Булардан қуринадики, бундай ерлар қийматини баҳолашда ернинг табиий хусусиятларини, бу ҳудуддан олинадиган иқтисодий самарадорликни ҳисобга олиш билан бир қаторда, ушбу майдонларда мавжуд бўлган, ҳосил бераётган

дарахтларни ҳам кўчмас мулклар сифатидаги қийматини ҳисобга олиш зарур бўлади. Агарда экин ерларига сарфланган харажатлар ўз натижаларини ушбу йилнинг ўзида намоён қилсалар, кўп йиллик дарахтзорларга қилинган харажатлар ўз самарадорлигини бир неча йиллардан сўнг намоён қилишади. Ушбу хусусиятлар кўп йиллик дарахтзорлар билан банд ерларни қийматини аниқлашда алоҳида эътиборга олиниши зарур.

Шундай қилиб, ерни иқтисодиёт тармоқларидаги ўзига хос хусусиятларини эътироф этиш асосида хулоса қилиш мумкинки, айниқса кўп йиллик дарахтзорлар билан банд ерлар бир томондан қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида намоён бўлса, иккинчи томондан кўп йиллик дарахтзорлар каби кўчмас мулкларни жойлаштиришнинг кенглик асоси сифатида намоён бўладилар. Айни ушбу хусусиятлари бундай майдонларни қиймат жиҳатидан баҳолашда алоҳида эътиборга олиниши зарур.

1.2. Қишлоқ хўжалик ерларини ҳисобини юритишнинг асосий хусусиятлари

Ер ҳисобида давлат ер кадастрининг таркибий қисми бўлгани ҳолда хўжалик ҳисобининг бир тури ҳисобланади. Уни олиб боришнинг ўзига хос хусусияти ер майдонларининг ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги хусусияти билан боғлиқ. Халқ хўжалиги тармоқларида ер турли мақсадларда фойдаланилади. Шундай экан унинг ҳисобини юритиш амалга оширилади. Ер уй-жой биноларини, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги, транспорт корхоналари, маданият муассасалари соғлиқни сақлаш мақсадлари ва бошқаларни жойлашиш ўрни сифатида ҳисобга олинади.

Ерларни ҳисоб қилишда ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида бир томондан, умумийлик мавжуд, иккинчи томондан ўзига хос хусусиятлар ҳам мавжуддир. Бу ҳол ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари ва инсон фаолиятининг бошқа соҳаларида ернинг тутган ўрни билан боғлиқдир. Ҳамма жойда ер кенглик асоси сифатида ҳисобга олинади. Шу сабабли ҳам у энг

аввало ўз ўлчамлари ва кенгликдаги жойлашуви билан характерланади. У ёки бу ишлаб чиқариш корхонасини жойлаштириш ва қўриш учун ушбу мақсад учун берилган ер майдони тўғрисидаги маълумотга эга бўлиш зарур. Аммо тенг ўлчамдаги майдон битта ёки бир неча алоҳида жойлашган участкалардан ташкил бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш учун корхонага ажратилган ернинг кенглик ҳолати тўғрисидаги маълумотга эга бўлиш зарур.

Ер ҳисоби ишлари ўз вазифасига, мазмунига ва хусусиятига қараб ер кадастри сингари асосий (бирламчи) ва жорий (кундалик) турларга бўлинади. Бу иккала ҳиоб турлари ўзаро боғлиқдир ҳамда ягона ер ҳисоби жараёнининг маълум босқичлари намоён қилади.

Асосий ҳисобнинг вазифалари қуйидагилар:

- 1) Ҳисоб қилинадиган ҳудуд учун барча мавжуд план-харита материалларини олиш, тизимга солиш ва таҳлил қилиш;
- 2) Зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва рлан-харита материалларини олиш мақсадида тасвирга олиш ҳамда кузатув бўйича дала қидирув ишларини ўтказиш;
- 3) Ҳисоб қилинадиган барча ерлар ўлчамларини, сифат ҳолатини тақсимланиши ва фойдаланиш ҳолатини аниқлаш;
- 4) Махсус ер ҳисоби планларини тайёрлаш ва ер ҳисоби текст ҳужжатларига бирламчи ёзувларни тушириш;
- 5) Ер фонди таркибини ер тоифалари, ер эгаликлари, ердан фойдаланишлар, ео турлари бўйича аниқлаш ва маъмурий бирликлар (туман, вилоят, республика) бўйича сифат жиҳатдан тавсифлаш.

Бирламчи ҳисобни ўтказиш билан боғлиқ, ишлар миқёсини умумий ҳолатда баҳолаш учун мисол тариқасида қуйидаги сонларга мурожаат қиламиз: Республикамиз ер фонди (44457,9 минг га) 1 республика, 12 вилоят, 165 маъмурий туман, 40 дан ортиқ мамлакат, вилоят аҳамиятидаги шаҳарлар бўйича ҳисобга олинади ва тавсифланади. Ер эгаликлари ва ердан

фойдаланувчилар сони ҳозирги кунга келиб 41400 дан жумладан қишлоқ хўжалиги корхоналари 15200 дан ошади. Қишлоқ хўжалиги ерлари, уларнинг турлари ва кичик турлари бўйича тавсифи бурилади, барча қишлоқ хўжалик ерларини баҳолаш амалга оширилади.

Бирламчи ҳисобни ўтказиш пайтида аниқланган ва қайд қилинган маълумотлар вақт ўтиши билан ҳақиқий ҳолатга мос келмай қолади. Бу ҳол шу билан тушунтириладики, ерлардан хўжалик фаолияти жараёнида фойдаланиш натижасида улар таркибида ва тақсимланишда маълум ўзгаришлар содир бўлади. Масалан, охириги йилларда давлат ва жамоат мақсадлари учун ҳар йили неча ўн минг гектар ер ажратилади. Ер майдонларида турли ҳил агротехник ва мелоратив тадбирларнинг муваффақиятли олиб борилиши натижасида ер турларининг сифат ҳолати ўзгаради. Ҳатто томорқа ерларида ҳам катта аниқликлар ўтказилиши талаб қилинади. Шунинг учун ҳам ер кадастри ҳужжатларига туширилган бошланғич маълумотлар эскиради, натижада уларни системали тарзда янгилаб туриш зарур бўлади. Бу эса жорий ҳисоб асосида амалга оширилади.

Жорий ҳисобнинг вазифасига қуйдғилар киради:

Биринчидан ерларнинг миқдори, сифати ва тақсимланишида юз берадиган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш ва қайд қилиш ва иккинчидан, бирламчи ҳисобда йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаш ҳамда аниқликлар киритишдир.

Хўжаликларда фақатгина қорурий ўзгаришлар қайд қилинади. Шунинг учун жорий ҳисобда фақатгина ҳақиқий юз берган ўзгаришларни аниқлаш билан чекланиб қолмасдан, шу билан бирга, ушбу ўзгаришларнинг қонунийлигини ҳам аниқлаш зарур. Жорий ҳисоб ишлари мазмунининг фарқи шундан иборатки, уни ўтказишда асосий ҳисоб материалларидан фойдаланилади ва фақатгина ернинг ҳолати фойдаланишдаги ўзгаришларгина ўлчанади.

1.3. Қишлоқ хўжалигидаги ерларни баҳолаш ҳамда ундан фойдаланиш.

Ерларни баҳолаш давлат ер кадастрининг таркибий қисми бўлгани ҳолда, шу билан бирга халқ хўжалигида фойдаланиладиган табиий ресурсларни умумий тарзда баҳолашнинг бир қисми ҳисобланади. Бунда айниқса қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ерларни баҳолаш алоҳида катта аҳамиятга эга. У жойнинг минтакавий фарқини ҳисобга олиш ва таққослаш бўйича муҳим муаммолардан бири сифатида ғавдаланади. Кўпчилик халқ хўжалиги масалаларини, шунингдек, қишлоқ хўжалик корхоналари ички масалаларини, ерларнинг сифат ҳолатини чуқур ўрганмасдан ва уни қиёсий баҳоламасдан муваффақиятли ҳал қилиш мумкин эмас. Баҳолаш муаммосини муваффақиятли ҳал қилиш, энг аввало, уни объекти ва субъектини тўғри белгилашдан иборат. Тупроқшунослик тадқиқотлари ва ерларни баҳолаш бўйича адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, кенг маънода баҳолаш объекти сифатида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг воситаси сифатидаги ерлар ғавдаланади. Ернинг қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги хусусияти – унумдорлигидир. Ер майдонининг ўсимликларни унга зарур бўлган озуқа моддалари ва намлик билан таъминлай олиш қобилиятига тупроқ унумдорлиги дейилади. Инсон тупроқ унумдорлигини ошириш учун ерга турлича таъсир ўтказади: ерни ҳайдайди, юмшатади, суғоради тупроққа ўғит солади ва ҳоказо. У тупроқдаги озуқа моддалар миқдорини оширади ҳамда уларни ўсимликлар томонидан осон ўзлаштиришга имконият яратади. Тўғри тупроқ унумдорлигини ошириш имконияти берадиган бошқа қарор тадбирлар ҳам мавжуд. Аммо фойдаланиладиган ер сифатининг барча ижобий ўзгаришлари қўшимча маблағ ва меҳнат сарфи билан боғлиқ.

Иқтисодиёт фанида қуйидаги тупроқ унумдорликлари мавжуд: таркибий, сунъий, потециал, ҳақиқий ҳамда иқтисодий. Табиий унумдорлик

табиатининг ўзи орқали ҳосил бўлади. У уззоқ иқлим, ўсимликлари, жойнинг рельефи, она жинсларнинг итаъсири остида пайдо бўлади ва ривожланади. У тупроқнинг физик, кимёвий ва биологик хоссалари билан тавсифланади. Аммо табиий унумдорликка асосланиб ернинг ҳақиқий сифатига баҳо бериб бўлмайди. Тупроқда ҳақиқатда жуда кўп миқдорда озуқа моддалар бўлиши мумкин, аммо турли сабабларга кўра (намлик, ёруғлик ва бошқалар) улар ўсимликлар ўзлаштира олмайдиган ёки кам ўзлаштирадиган шаклда бўлиши мумкин. Сунъий унумдорлик табиий унумдорликка эга бўлган ер участкаларида тупроққа инсон меҳнатининг қўшилиши натижасида ҳосил бўлади. Бошқача қилиб айтганда, табиий унумдорликка эга бўлган ер участкалари инсон фаолияти учун меҳнат предмети ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам табиий ва сунъий унумдорликлар ўртасидаги чугара кўп жиҳатан шартли, абстракт ҳисобланади. Чунки унумдорликлар соф ҳолда алоҳида намоён бўлмайди. Турлича табиий унумдорликларга эга бўлган майдонлардаги махсус қишлоқ хўжалик экинлари бутун ўсиш даврида фақатгина табиат инъом этган озиқ моддаларни ўзлаштирибгина қолмасдан, балки улар ўсимликлар ўсиши ва ривожланишига кетадиган қўшимча сарф - харажатларини тупроқнинг юқори даражада чиринди билан бойиши эвазига қоплайди. Ушбу омилларнинг оқилона қўлланилиши натижасида тупроқ унумдорлиги пасайиб кетмайди, аксинча, бунда унинг ажойиб фазилати намоён бўлади, яъни унумдорлиги ошади. Шундай қилиб ердан фойдаланиш тўғри ташкил этилганда у ишдан чиқмайди, аксинча, экинлар тупроқни бойитади ғамда шу орқали табиий унумдорлик яратилади.

Потенциал ва ҳақиқий унумдорлик деб, табиий-иқлимий ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда тупроқнинг қишлоқ хўжалик экинларини озуқа моддаларига бўлган талабини қондириш қобилиятига айтилади. Инсоннинг асосий вазифаси ушбу жараёни бошқариш, тупроқни ишдан чиқишига йўл қўймаслик, ундаги озуқа моддаларни ўсимликлар ўзлаштиришига имкон яратишдан иборат.

Ер майдонларини чегараланганлиги, тупроқларнинг хилма-хиллиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабнинг доимо ўсиб бориши, сифат жиҳатидан афзал ва афзал бўлмаган ерлардан ҳам фойдаланишни талаб қилади. Бу ўз навбатида ерга сарфланаётган капитал маблағлар ҳажмини ошириш ва шунинг асосида маълум бир потенциал унумдорликка эга бўлиш эвазига эришилади. Шу асосда тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги вужудга келади.

Иқтисодий унумдорлик тупроқ унумдорлигининг ҳақиқий ифодаси сифатида гадаланади. Ҳамда у деҳқончилик маданиятининг унумдорлик даражаси сифатида тавсифланади. Тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги сарфланган капитал маблағлар миқдори, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражасига, маҳсулотларни қайта ишлаш, сотиш ва бошқа омилларга боғлиқдир. Иқтисодий унумдорлик одатда абсолют ва нисбий унумдорликларга бўлинади. Абсолют унумдорлик - бу маълум бир шароитда етиштирилган маҳсулотлар миқдори билан ифодаланади ва маълум бирликдаги ер майдонининг ҳосилдорлик кўрсаткичи ёрдамида тавсифланади. Нисбий унумдорлик эса турлича ер майдонларининг қайд қилинган унумдорлиги билан ифодаланади ҳамда маълум миқдорда сарфланган харажатлар эвазига олинadиган маҳсулот миқдори билан тавсифланади. Ушбу, юқорида келтирилган унумдорликлар даражаларини белгилаш, ерларнинг қийматини аниқлаш мақсадида тупроқ бонитировкаси ҳамда ерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш, яъни норматив баҳолаш каби махсус ер баҳолаш ишларини ўтказиш зарурати туғилади.

2-Боб. Шоличилик массивининг табиий, ижтимоий-иқтисодий шароитларининг тавсифи.

2.1. Қишлоқ хўжалик массиви тўғрисида умумий маълумот.

“Гурлан” шоличилик массиви Хазорасп туманининг шимолий-шарқ қисмида жойлашган бўлиб у яхлит битта ер участкасига эга. Массив олдинги “Гурлан” шоличилик ширкат хўжалиги ҳисоблангани ҳолда бугунги кунда шимолдан Ойбек номли массив ерлари билан, шарқдан ва жанубдан Ғофур Ғулом номли массив ерлари билан, ғарбдан эса ШММК нинг ўнг қирғоқ ерлари ҳамда «Пахтакор» қишлоқ хўжалик массиви ерлари билан чегараланган. Массивнинг умумий ер майдони 1560,0 гани ташкил этади. Ушбу майдоннинг 978,0 гаси суғориладиган экин ерларини ташкил этади.

“Гурлан” шоличилик массиви 2004-йили ижара асосида хўжалик юритувчи фермер хўжаликларига бўлинган ва бу ҳудудда 2008-йилга қадар 24 та шоли -ғаллачилик фермер хўжаликлари фаолият юритган. Барча фермер хўжаликлари ҳам ушбу 2004-йили ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008-йил 6-октябрдаги ПФ-3077 Фармоишига биноан 2008-йил декабр ойида кенгайтирилган ҳолда қайта ташкил этилган. Қишлоқ хўжалиги массивида бугунги кунда 18 та фермер хўжаликлари фаолият юритаётгани, улар ер майдонларидан ижара асосида фойдалангани ҳолда асосан шоли, ғалла ва қисман сабзавот ва ем-хашак экинларини етиштирадилар. Хўжалик асосан собиқ ширкат хўжалиги базасида ташкил этилганлиги сабабли, унда меҳнат қиладиган барча ишчилар ва уларнинг оилалари “Гурлан” шоличилик массивидаги аҳоли яшаш пунктида яшайдилар, фермер хўжаликларида қатнаб фаолият юритадилар. Фермерлар далалари аҳоли пунктидан унчалик узоқ эмас. Фермер хўжаликлари бошқа фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалик массивининг маркази ва туман маркази

билан автомобил йўллари орқали яхши алоқага эгадир. Фермер хўжаликларида бугунги кунда 268 ишчи меҳнат қилиб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланадилар.

2.2. Массив табиий шароитларининг тавсифи. Иқлими, рельефи, тупроқлари.

Иқлими. “Турлан” шолчилик массивининг иқлими шароити Хоразм вилоятининг, яъни Хоразм воҳасининг марказий қисмига, Хоразмнинг Тупроққала қисм иқлимига хос бўлиб, асосан континентал иқлимдир, яъни бу ҳудудда ёз ойлари жазирама иссиқ, қиш ойларида эса нисбатан совуқ ҳаво бўлиши кутилади. йиллик ўртача ҳарорат 18°C ни ташкил этади. Йилнинг энг иссиқ оyi бўлган июль ойининг ўртача ҳарорати $+28^{\circ}\text{C}$ ни, энг баланд ҳарорати $+44^{\circ}\text{C}$, $+46^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади.

Йилнинг энг совуқ оyi ҳисобланган январь ойининг ўртача ҳарорати $+5^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этгани ҳолда, энг паст ҳарорат баъзи йиллари -12°C , -14°C ни ташкил этади.

Ҳазорасп тумани ва шу атрофларни иқлимини кузатувчи “Урганч” метеорологик станциясининг кўп йиллик маълумотларига қараганда, совуқсиз кунлар миқдори яъни ҳарорат $+10^{\circ}\text{C}$ дан юқори кунлар миқдори туманда ва табиийки, массивда 276-280 кунни ташкил этади. Бундан кўринадики, йилнинг дейарли $3/4$ қисмида қишлоқ хўжалик экинларини ўстириш мумкин. Вегетация даврининг бундай узоқ давомийлиги сабабли бу ҳудудда шолининг ҳудудга мос навлари етиштирилади, сабзавот ва бошқа экинлардан дейарли йил давомида ҳосил олиш мумкин. Қуйидаги, 1-жадвалда “Урганч” метеорологик станциясининг маълумотлари бўйича иуман ва массивнинг иқлим кўрсаткичлари келтирилган.

“Урганч” меторологик станциясининг кўп йиллик маълумотлари асосида туман ва қишлоқ хўжалик массивининг иқлим кўрсаткичлари.

Т. Р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1	Амосферанинг ўртача йиллик ҳарорати.	° С	+18.0
2	Атмосферанинг мақсимал ҳарорати.	° С	+44+46
3	Атмосферанинг минимал ҳарорати.	° С	-12-14
4	Иқлим ижобий ҳарорат йиғиндиси.	° С	+41+20
5	Совуқсиз кунлар миқдори.	Кун	280
6	Биринчи совуқ кун.		26.X
7	Охирги совуқ кун.		2-3.III
8	Йиллик ёғингарчилик миқдори.	Мм	160-180
9	Ёғингарчилик интенсив даврлари.	Ойлар	Январь-апрел
10	Шамолнинг ўртача тезлиги.	М/сек	6-8
11	Кучли шамол йўналишлари	М/сек	Шимолий-шарқдан

1-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, қишлоқ хўжалик массивининг иқлим шароити бу ҳудудда деярли йил давомида турли қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш имкониятини беради.

Фермер хўжаликларининг ҳудуди массив ҳудудининг бир қисмини ташкил этганлиги сабабли уларнинг иқлим шароити ҳам ҳудди юқоридаги ҳолатни акс эттиради. Шундай экан “Турлан” шойчилик массиви ерларидан фойдаланишни оқилон ташкил этиш истиқболда уни кескин ривожлантиришга тўла имкон беради. Бундан албатта фермер хўжаликлари ерларини ҳаққоний баҳолаш ҳамда ушбу баҳолаш натижаларидан тўғри фойдаланиш ижобий натижа беради.

Рельефи. Қишлоқ хўжалик массиви, табиийки, фермер хўжаликлари массивининг рельефи чўл ва чала чўл минтақасига хос бўлган текисликлардан иборат. Шу билан бирга, ушбу тукисликларни массив худудидан ўтган магистрал зовур тармоғи ҳамда қисман далалардаги мавжуд суғориш тармоқлари бузади. Умумий нишаблик шимолдан-жанубга ва жанубий-ғарбга қияланади. Шунини алоҳида эътироф этиш зарурки, массив худудида рельеф жуда текис бўлганлиги сабабли бу ерда суғориш тизими асосан латоклардан иборат бўлиб, умумий нишаблик 0.0009-0.0012 ни ташкил этади.

Тупроқлари. Қишлоқ хўжалик массиви худудида асосан суғориладиган ўтлоқи тупроқлар ва суғориладиган чўл қумли тупроқлар тарқалган бўлиб, ҳар бир тупроқ турли ўзларининг табиий диагностик белгилари, яъни суғориш даври, механик таркиби, шўрланиш даражаси ва бошқа хусусиятлари бўйича қатор тупроқ айирмаларига бўлинган. (2-жадвал)

2-жадвалдаги маълумотлардан кўриладики, массивдаги тупроқ айирмалари кам, ўрта, кучли ва жуда кучли шўрланган. Демак ҳар йили ушбу тупроқлар шўрини ювиш ишларини ташкил этиш ва сифатли амалга ошириш зарур бўлади, акс ҳолда ушбу майдонлардан самарали фойдаланиш мумкин бўлмасдан қолиши мумкин.

Мисол тариқасида “Хосил Шер” фермер хўжалиги худудида юқорида эътироф этилган тупроқ айирмаларидан 6,7 ва 15 тупроқ айирмалари учрайди. Бу тупроқлар кўриниш даражалари бўйича кам ва ўрта шўрланганига мойил, ювилиш даражаси бўйича кам ювиладиган бўз ва бўз ўтлоқли тупроқлар ҳисобланади. Ушбу тупроқлар сифатини аниқлаш учун битирув малакавий ишда тупроқлар бонитировкаси маълумотлари асосида фермер хўжалигининг суғориладиган ерларини иқтисодий қиймати аниқланади.

2.3. Массив худудидаги аҳолии пунктлари суғориш ва коллектор тармоқларининг тавсифи.

Қишлоқ хўжалик массиви худудида 1 та аҳоли яшаш пункти мавжуд бўлиб, у асосан массивнинг зарурий ва шарқий чегаралари билан тутшиб кетган ҳолда, массивнинг шарқий чеккасида жойлашган. «Зафаробод» қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан олинган маълумотларга қараганда, массив худудидаги аҳоли пунктларида жами 436 хонадон мавжуд бўлиб, умумий аҳоли сони 3492 кишини ташкил этади. Шулардан 926 киши меҳнатга лайоқатли бўлиб, уларнинг аксарият қисми массивда фаолият юритаётган фермер хўжаликларида меҳнат қилишади. Аҳоли пунктларида 2 умумтаълим мактаби, почта, касалхона, савдо шаҳобчалари ва бошқа объектлар мавжуд. Қишлоқ хўжалик массивининг шимолий қимидан катта хўжаликлараро канал ўтган бўлиб, уни суви билан массив ерларини суғориш учун массивнинг ўртасидан шимолдан-жанубга қараб ҳамда массивнинг энг шарқий чеккасидан-шимолдан шарққа қараб 2 та суғориш канали ўтади. Ушбу каналлар массив ерларини суғориш суви билан тўла таъминлайдилар. Ушбу каналлардан далаларга сув олиб бориш учун лотоқлар ва замонавий, тўғри каналлар барпо этилган.

Экин ерлари шўрини ювиш ҳамда ортиқча сувларни чиқариб ташлаш учун массивнинг пастки қисмида коллектор - дренаж тармоқлари бунёд қилинган. Уларни ишлаши умуман кейинги йиллари қийинлашиб бормоқда, негаки коллекторлар ва зовурларнинг кўп қисимлари кўмилиб қолган, қамиш ва бошқа ўтлар ўсиб кетган. Шу сабабли улар яхши ишламайди, бу эса ерларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Массив худудидаги аҳоли пунктлари бир бирлари билан, далалар аҳоли пунктлари ва туман маркази билан алоқада бўлиши учун бу ерда маълум тартибда йўл тармоқлари ривожланган. Бу йўллар асосан асфальтланган, яхшиланган йўллардир. Юқоридаги маълумотларнинг барчаси фермер хўжаликларига ҳам тегишлидир. Шуларни эътиборга олиш бу ҳолатдан фермер

хўжаликлари ерларини баҳолашда ҳам тўғридан-тўғри эътиборга олиш тавсия қилиади. Бу эса баҳолаш натижаларига ижобий таъсир кўрсатиши табиийдир.

2.4. Массивнинг ер фонди ва ундан фойдаланиш.

Олинган расмий маълумотларга қараганда, «Гурлан шолчилик» массивининг ер фонди 1560,0 гадан иборат бўлиб, унинг 1278,0 гаси суғориладиган ерлардан иборатдир. Массив ер майдонларини асосий ер турлари бўйича тақсимланиш тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги, 3-жадвалда келтирилади.

3-жадвал

«Гурлан шолчилик» массиви ерларини ер турлари бўйича тақсимланиши

Т.Р	Ер турлари	Майдони	
		Га	%
1	Жами ер майдони	1560,0	100,0
	шундан: суғориладигани	1274,0	81,7
2	Экин ерлари-жами	978,0	62,7
	шундан: суғориладигани	978,0	62,7
3	Кўп йиллик дарахтзорлар-жами	50,0	3,2
	шундан: суғориладигани	50,0	3,2
4	Пичанзор ва яйловлар-жами	23,0	1,5
5	Қишлоқ хўжалик ерлари-жами	1051,0	67,4
	шундан: суғориладигани	1028,0	65,9
6	Томорқа ерлари-жами	271,0	17,4
	шундан: суғориладигани	246,0	15,8
7	Мелиоратив ерлар	12,0	0,8
8	Бошқа ерлар	226,0	14,5

3-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, массив худудининг 62,7 % ни суғориладиган экин ерлари, 3,2% ни эса кўп йиллик дарахтзорлар ташкил этади.

Ушбу массивдаги, масалан, “Хосил Шер” фермер хўжалиги ижара шартнома асосида бугунги кунда 76,0 га ер майдонидан фойдаланмоқда. Ушбу майдонларнинг 66,0 гаси суғориладиган экин ерларини ташкил этади. Шундан келиб чиққан холда фермер хўжалиги асосан шоли ва буғдой етиштиришга, қисман шахсий эҳтиёжлари учун сабзавот, ем-хашак экинларини етиштиришга ихтисослашган. Фермер хўжалигининг ер майдонларини ер турлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги, 4-жадвалда келтирилади.

4-жадвал

“Турлан” шолчилик массивидаги “Хосил Шер” фермер хўжалиги ерларини ер турлари бўйича тақсимланиши.

Т.Р	Ер турлари	Майдони	
		Га	%
1	Суғориладиган экин ерлари	66,0	86,8
2	Ариқ ва зовурлар билан банд ерлар	4,6	6,0
3	Йўл тармоқлари билан банд ерлар	2,4	3.2
4	Бошқа ерлар	3,0	4,0
Жами ерлар		76,0	100,0

4-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, жами ерларнинг 86,8% ни суғориладиган экин ерлари ташкил этади.

Ушбу маълумотлар ҳақиқатдан ҳам фермер хўжалигида деҳқончилик бирмунча ривожланганлигини эътироф этади. Буни қишлоқ хўжалиги тармоқларининг умумий тавсифидан яққол кўриш мумкин.

2.5. Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни яхшилаш бўйича тавсиялар.

Қишлоқ хўжалик массиви ерларидан фойдаланишни ташкил этишда уларни баҳолаш, хусусан, улар худудида тарқалган тупроқлар бонитировкасини ўтказиш ва суғориладиган ерларни норматив баҳолаш жараёнида ушбу маълумотлар бирламчи манба сифатида фойдаланилади.

Фермер хўжаликлари асосан ижара шартномасига биноан махсус режа-топшириқлари бўйича шоли ва буғдой экинларини етиштиради ва давлатга сотади. Шулар билан бир қаторда ўз шахсий эҳтиёжлари учун қисман сабзавот, картошка, полиз экинлари ва ем-хашак экинларини экади ҳамда маълум бир миқдорда ҳосил етиштиради. 2012-йилда “Ҳосил Шер” фермер хўжалиги ер майдонларига экилган қишлоқ хўжалик экинларининг майдонлари тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги, 5-жадвалда келтирилади

5-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, 2012-йил хўжалик йилида жами экин ерларидан 46,8% га шоли, 38,6% га буғдой, қолган 14,6% майдонга эса бошқа экинлар экилган.

Экилган қишлоқ хўжалик экинларидан олинган ҳосилдорликлар ва ялпи ҳосиллар тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги, 6-жадвалда келтирилади.

5 жадвал

“Хосил Шер” фермер хўжалиги майдонларидаги қишлоқ хўжалик экинларининг таркиби

Т.Р	Қишлоқ хўжалик ерлари	Майдони	
		Га	%
1	Суғориладиган буғдой экини	26,0	38,6
2	Маккажўхори – дони	3,0	1,8
3	Пахта	30,0	46,8
4	Сабзаёт экинлари	2,0	5,8
5	Полиз экинлари	2,0	1,2
6	Қартошка	2,0	4,7
7	Маккажўхори - хашак учун	1,0	1,2
Жами экин ерлар		66,0	100,0
Такрорий экинлар		22,0	
Сабзаёт экинлари		8,0	
Қартошка		2,0	
Маккажўхори		12,0	

Фермер хўжалигида етиштирилган дехқончилик маҳсулотларининг
кўрсаткичлари

Т.Р	Қишлоқ хўжалик ерлари	Майдони га	Ҳосилдорлик у/га	Ялпи ҳосил, т
1	Суғориладиган буғдой экини	26,0	41,1	107,0
2	Маккажўхори - дони	3,0	62,0	19,0
3	Шоли	30,0	54,2	163,0
4	Сабзаёт экинлари	2,0	232,0	46,0
5	Полиз экинлари	2,0	212,0	42,0
6	Картошка	2,0	104,0	21,0
7	Маккажўхори хашак учун	1,0	232,0	23,0
Такрорий: Сабзаёт экинлари		8,0	286,0	229,0
Картошка		2,0	134,0	27,0
Маккажўхори		12,0	192,0	230,0

6-жадвалдан кўринадики, 2012 хўжалик йилида фермер хўжалиги 107,0 т буғдой ва 163,0 т шоли етиштирган ва давлатга сотган. Булардан ташқари хўжаликда йил давомида 300 т дан ортиқ сабзаёт 40 т дан ортиқ картошка ва анча миқдорларда ем-хашак экинлари етиштирилган.

3-Боб. Шоличилик массиви ерларининг ҳисоблаш юритиш ва баҳолаш.

3.1. Массив худудида ер ҳисобини юритиш ва ҳужжатларини расмийлаштириш.

Қишлоқ хўжалик массивида ер ҳисобини юритиш ушбу майдонлардан фойдаланишни ташкил этишда муҳим амалий аҳамиятга эгадир, негаки массив чегарасидаги ер майдонлари умумий миқдори бўйича ўзгармасдан қолиши мумкин, аммо ер турларининг майдонлар бўйича доимий равишда ўзгариб туради. Бу табиий ҳол, маълум қонуниятдир, чунки жойлардаги аҳоли сонининг ошиб бориши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш миқдорларини кўпайтириб боришга эҳтиёж, чорвачилик маҳсулотларига бўлган ва умумий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган таълабларни доимий ошиб бориши қишлоқ хўжалигига имкони бориша ҳар йили ер қўшиб бориш заруриятини туғдиради. Массивдаги шоличилик фермер хўжаликлари ҳам ҳар йили маълум ер майдонларини ўзларининг иқтисодий-молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўзлаштирадilar ва экин ерларига қўшадилар, боғлар ва узумзорлар майдонларини кенгайтирадilar, тадбиркорликни ривожлантириш учун эса аксинча, қишлоқ хўжалиги ерларида турли ноқишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш учун (корхоналар ташкил этиш, хизмат кўрсатиш объектларини қуриш, йўллар барпо этиш ва хоказо) ажратилади. Албатта, бундай ҳаракатлар натижасида ер майдонларини ер турлари бўйича миқдорларида ўзгаришлар юз беради. Бундай ўзгаришларни миқдорий ҳисобини юритиб бориш ва олдинги йиллар билан таққослаш, юз берган ўзгаришларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда шулар асосида массив ерларидан истиқболда фойдаланишни яхшилаш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш керак бўлади. Ер майдонларидаги ҳар йиллик ўзгаришлар ҳисобга олиб борилмаса бундай ерлардан фойдаланишни бошқариш 2-3 йилдан сўнг мураккаб муаммога айланади.

«Гурлан» шоличилик массиви асосан шоличиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидан иборат. Худудда бугунги кунда фермер хўжалиги

фаолият юритмокда. Массивнинг умумий ер фонди хақидаги бугунги кундаги маълумотлар қуйидаги, 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Хазорасп туман «Гурлан» массивининг ер фонди (01.01.2014 йил)

Т.Р	Ер турлари	Майдони	
		Га	%
1	Экин ерлари – жами	918,0	56,9
	Шундан: суғориладиган	918,0	56,9
2	Кўп йиллик дарахтзорлар – жами	6,0	0,4
	Шундан: суғориладиган	6,0	0,4
3	Бўз ерлар	291,0	18,0
4	Яйловлар ва пичанзорлар	-	-
Қишлоқ хўжалик ерлари		1215,0	75,3
5	Томорқа ерлар	36,0	2,2
	Шундан: суғориладиган	33,0	2,0
6	Мелиоратив ерлар	24,0	1,5
7	Ўрмонлар ва бутазорлар	-	-
8	Бошқа ерлар	339,0	21,0
Жами ер фонди		1614,0	100,0

7-жадвалдан кўринадикки, 2014-йилда қишлоқ хўжалик массиви умумий ерларининг 56,9% ни экин ерлари, 18,0% ни бўз ерлар, 2,2% ни таморқа ерлари, 21,0% ни бошқа ерлар ташкил этган.

Шуни қайд қилиш зарурки, қишлоқ хўжалик массивининг ерлари янги ўзлаштирилган ерлардир. Қишлоқ хўжалик массивининг ер майдонлари Хоразм вилоятига ўтган асирнинг 80-йилларида қўшиб берилган Тупроққалъа

массивининг бир қисмидир. Шу сабабли ҳам кейинги 20-йиллар мобайнида бу худудда катта ўзгаришлар юз берди, массивда шолчилик, буғдой етиштириш ривожланди Амударёга яқин бўлганлиги сабабли суғориш суви билан таъминланишида муаммолар кўп бўлмаганлиги сабабли ирригация-мелиорация Тармоқлари бунёд қилинди ва натижада фойдаланишга яроқли ер турларининг майдонлари кўпайиб борди.(8-жадвал)

8-жадвал

«Гурлан» массивидаги асоий ер турлар майдонларини ўзгариш динамикаси

Т.Р	Ер шўрлари	1999-йил, га	2004-йил, га	2014-йил, га	2014-йил, 1999- йилга нисбатан, %
1	Экин ерлари	901,0	915,0	918,0	102,0
2	Суғориладиган экин ерлари	901,0	915,0	918,0	102,0
3	Кўп йиллик дарахтзорлар	3,0	6,0	6,0	-
4	Бўз ерлар	299,0	294,0	291,0	200,0
5	Яйлов ва пичанзорлар	-	-	-	97,0
6	Томорқа ерлар	31,0	36,0	36,0	-
7	Мелиоратив ерлар	28,0	24,0	24,0	116,1
8	Ўрмонлар ва бутазорлар	-	-	-	85,7
9	Бошқа ерлар	352,0	339,0	339,0	96,3
Жами:		1614,0	1614,0	1614,0	x

8-жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки, кейинги йиллари олиб борилган ер хисоби натижалари бўйича баъзибир ер турларининг майдонлари кенгайган ва аксинча, бошқа бир ер турларининг майдонлари қисқарган. Жумладан, кейинги 15-йил ичида суғориладиган экин ерларининг майдони 17,0 гектарга, кўп йиллик дарахтзорлар майдони 3,0 гектарга, томорқа

ерларининг майдонлари эса 5,0 гектарга кенгайган. Бундай кенгайиш массив чегарасида мавжуд бўлган бўз ерлар ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар ҳисобига рўй берган

Ерларни миқдорий ҳисобини юритиш билан бир қаторда уларни сифат ҳисобини ҳам юритиш муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Ерларни сифат ҳисобини юритиш массивда тарқалган тупроқларни сифат хусусияларини ўрганиш ва ушбу хусусиятларни ҳисобга олиб бориш охир-оқибатда бундай сифат хусусиятларни баҳолаш билан боғлиқдир. Жумладан олинган маълумотларга қараганда «Гурлан» массивида асосан Амударёнинг қуйи оқимида аллювиалдаги суғориладиган ўтлоқ тупроқлар тарқалган бўлиб массив ҳудудида ушбу тупроқларнинг 22 та айирмалари мавжуд. Бундай айирмалар ўзларининг шўрланиш даражаси, механик таркиби, тупроқ ости қатламнинг ҳолати, ер ости сизот сувларининг сатҳи, тошлоқлиги ва бошқа хусусиятлари бўйича бир-бирларидан фарқ қиладилар. Бундай фарқларни миқдор жиҳатидан ҳисобга олиш ва шу асосда тупроқларни сифатини аниқлаш учун махсус иш – тупроқлар бонитировкаси ишини бажарамиз.

3.2. Қишлоқ хўжалик массивида тупроқлар бонитировкасини ўтказиш.

Маълумки тупроқ бонитировкаси деганда, деҳқончиликнинг самарадорлиги ва агротехникасининг тенглаштирилган даражасидаги тупроқлар унумдорлиги бўйича уни сифатини таққосланган баҳосига айтилади. Бу бонитировка қилишнинг асосий мақсади тупроқларнинг табиий унумдорлигини белгиловчи нисбий ҳамда барқарор хусусиятлари бўйича бир тупроқни иккинчисидан неча марта яхши ёки ёмонлигини кўрсатишдан иборат.

Тупроқларни табиий унумдорлиги бўйича баҳолаш ишлари муайян ердаги асосий қишлоқ хўжалик экинларига бўлган талабларни ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади. Ўзбекистоннинг суғориладиган ерлари шароитида ғўза ўстмликнинг асосий талаблари ҳисобга олингани эътиборда тутилади.

Тупроқлар сифатини баҳолашда уларнинг асосий хусусиятлари ва табиий шароитлари, хусусан, уларнинг генетик мансублиги, суғорилиш даври, маданийлашганлик даражаси, механик таркиби, шўрланиш даражаси, ювилиш даражаси, тупроқ ости қатламининг ҳолати, ер ости сувларининг сатҳи, эрозияга учраганлиги, гипсланганлик даражаси ва бошқаларни ҳисобга оламиз. Айнан шулар бизнинг массивдаги тупроқларнинг асосий хусусиятларини белгилайди.

Баҳолаш ишларини биз 100 баллик ёпиқ шкала бўйича ўтказамиз. Бундай шкала республиканинг суғориладиган тупроқларни бонитировкалаш учун ягона тарзда тузилган ва қабул қилинган бўлиб, унга асосан тупроқларнинг суғориш даври, маданийлашганлик даражаси ҳамда, генетик мансублиги асосий кўрсаткичлар сифатида қабул қилинган. Массив ерларининг тупроқларини бонитировкалаш учун бундай ёпиқ шкала диплом лойиҳасининг 2-иловасида келтирилади.

Ушбу шкала қулай шароитдаги, яъни шўрланмаган ва эрозияга учраган, механик таркиби ва ер ости қатламининг сизот сувларини ўтказувчанлиги яхши бўлган тупроқларнинг сифати тўғрисида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Аммо, амалда учрайдиган тупроқларнинг хусусиятлари турличадир. Бизнинг массивда тарқалган тупроқларнинг хусусиялари ҳам турличадир. Табиий унумдорликни пасайтирувчи турли-туман хусусиятларга эга бўлган тупроқларни баҳолашда олдиндан ишлаб чиқилган тузатма коэффициентлардан фойдаланамиз. Бундай коэффициентлар диплом лойиҳасининг 3-8 иловаларида келтирилган.

Тупроқлар унумдорлигини аниқловчи омиллар ичида жойнинг иқлими алоҳида ўрин тутди. Иссиқсевар экин ҳисобланган ғўза экини учун энг аҳамиятли агроиқлим кўрсаткичларидан бири – уни ҳарорат ресурслари билан таъминланганлиги ёки фойдали ҳарорат йиғиндисининг 10°C дан юқори бўлишидир. Дарҳақиқат, тупроқ бонитети жойнинг кенглик минтақалари ва баландлик поғоналари бўйича ғўзани термик ресурслар билан

таъминланганлигига қараб табақаланади. Иқлим бўйича коэффициентни ёки бошқача айтганда, биоиклим коэффициентини ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида бажарилади.

$$B_x = \frac{\sum \Delta_{г.р}}{\sum \Delta_{г.ф}} \cdot 100.$$

Бу ерда: $\sum \Delta_{г.р}$ -10°C дан юқори бўлган ҳақиқий самарали ҳарорат йиғиндиси.

$\sum \Delta_{г.ф}$ -базавий самарали ҳарорат йиғиндиси.

Жойнинг иқлими бўйича бонитет балларига киритиладиган тузатма коэффициентлар ишнинг 3-иловасида келтирилади.

Тупроқларнинг унумдорлигини белгиладиган хусусиялари ичида унинг механик таркиби ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Енгил ва ўрта қумлоқли тупроқлар одатда унумдор тупроқлар ҳисобланадилар. Улар ишлов беришга қулай, мақбул сув-физик хусусиятларга эга. Майда ва йирик тош аралашмалари суғориладиган тупроқларнинг сифатини ёмонлаштиради. Шу билан улар машина-механизмлар билан тупроқларни ишлашни қийинлаштиради ва тупроқларни сувни сингдириш қобилиятини пасайтиради. Шунинг учун ҳам тупроқ бонитетини аниқлашда хилма-хил тупроқларнинг механик таркиби бўйича тузатма коэффициентлар лойиҳанинг 4-иловасида келтирилади.

Суғориладиган дехқончилик шароитида тупроқлар бонитетини ҳисоблашда уларнинг шўрланиш даражасини ва милиоратив ҳолатини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Тупроқлар шўрланиши ҳам экинлар ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Ҳисоб-китобларига қараганда, шўрланмаган тупроқларга қараганда кам шўрланган тупроқларда ҳосилдорлик 10-15% га, ўртача шўрланган тупроқларда 25-30% га камаяр экан. Шу сабабли

ҳам биз массив тупроқларининг унумдорлигини аниқлашда тупроқларнинг шўраланиши бўйича ҳам зарурий тузатма коэффициентлар киритамиз бундай тузатма коэффициентлар диплом лойиҳасининг 5-иловасида келтирилади.

Тупроқ ости қатламининг сув ўтказувчанлик қобилияти ҳам улар унумдорлигига катта таъсир кўрсатади. Сизот сувларини оқиб чиқиб кетиш имкониятлари катта бўлган ерлар учун тузатма коэффициентлар шунинг 6-иловасида келтирилган.

Тупроқ унумдорлигини пасайтирувчи омиллар қаторига сув ҳамда шамол таъсиридан емириши ҳам киради. У нотекис рельефи, янги суғорилаётган майдонларда, юқори нишабликларда ёрқин намоён бўлади. Бу минтақаларда тупроқ жинслари асосан лёсс пролювиал ва аллювиал ётқизиклардан иборат бўлади. Ювиладиган тупроқларнинг сифати нисбатан лёсс ётқизикларда камроқ пасаяди. Пролювиал аллювиал ётқизикларда кўпроқ пасаяди. Умуман тупроқларни ювилиш даражалари бўйича тузатма коэффициентлар ишнинг 7-иловасида аниқ келтирилади.

Маълумки, кейинги йиллари суғориш, ва экин экиш мақсадлари учун хилма-хил даражани гипсланган ер майдонлари ўзлаштирилади ва қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун қабул қилинди. Гипснинг катта миқдорлари ерлар унумдорлигани пасайтиради ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлаштиради. Шу сабабли бонитет баллари аниқлашда тупроқларнинг гипсланганлик даражаси бўйича ҳам тузатма коэффициентларини киритиш зарур бўлади. Бундай коэффициентлар диплом лойиҳасининг 8-иловасида келтирилади.

Юқоридаги баҳолаш шқаласи ҳамда қабул қилинган тузатма коэффициентлардан фойдаланган ҳолда аниқ бир ҳудудда тарқалган маълум бир тупроқ хилининг бонитет баллини ҳисоблаш мумкин. Бу асосан қуйидаги тунглик ёрдамида бажарилади:

$$B_x = B_1 \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3 \cdot \dots \cdot K_n$$

бу ерда: B_1 – асосий шқала бўйича қобул қилинган тупроқнинг бонитети, балл.

$K_1, K_2, K_3, \dots, K_n$ – тупроқларнинг турли кўрсаткичлари ва хусусиятлари бўйича тузатма коэффициентлар.

Алохида олинган тупроқ хилининг бонитет балли ҳисобланганидан сўнг шу маълумотларга асосан қишлоқ хўжалик массиви ёки фермер хўжалиги бўйича умумий суғориладиган ерларнинг бонитет балларини ҳисоблаймиз. Бунинг учун қишлоқ хўжалик ер турлари бўйича тупроқ хиллари майдонларини ҳисобланган маълумотлари зарур бўлади. Қишлоқ хўжалик массивининг суғориладиган майдонларини ўртача бонитет баллининг келтирилган кўрсаткичи қуйидаги формула билан аниқланади:

$$P_{к.м} = \frac{B_1 P_1 + B_2 P_2 + \dots + B_n P_n}{P_1 + P_2 + \dots + P_n} = \sum_{i=1}^n \frac{B_i \cdot P_i}{P_i}$$

Бу ерда: $B_1, B_2, \dots, B_n$ – турли тупроқ хилларининг бонитет баллари,

$P_1, P_2, \dots, P_n$ – ушбу тармоқлар эгаллаган майдонлар, га.

Айнан юқоридаги тартибда биз қишлоқ хўжалик массивидаги тупроқлар бонитировкасини ўтказишимиз. Ҳисоб-китоблар қуйидаги жадвал кўринишида бажарилади (9 жадвал)

9 жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, “Турлан” шойиқилик массиви ерларида тарқалган тупроқлар ўртача бонитети 38 баллни ташкил этади. Бу кўрсаткич ҳақиқатан ҳам қишлоқ хўжалик массиви ерлари янги ўзлаштирилган ерларда ташкил топганлигини яна бир марта тасдиқлайди

Қишлоқ хўжалик массиви тупроқларини бонитировка қилиш қайдномаси

Тупроқ-лар	Шкала-дан олинган баллар	Тузатма коэффициентлар						Хисоб-ланган бонит-ет балли Б	Ер майдон-и Р, га	Б·Р
		Иқл-им бўй-ича	Меҳа-ник тарки-би	Шўрла-ниш даража-си	Ювил-иш дараж-аси	ер ости қатла-мининг ҳолати	Гипсл-илик дараж-аси			
1	80	1,00	0,95	0,85	0,95	0,90	1,00	48	151,5	7272
2	80	1,00	0,90	0,85	0,90	0,95	1,00	44	18,8	827
3	80	1,00	0,90	0,90	0,90	0,85	1,00	55	14,0	770
4	60	1,00	0,85	0,90	0,85	0,90	1,00	37	34,9	1291
5	80	1,00	0,90	0,85	0,85	0,90	1,00	42	61,7	2591
Жами								38	1215,0	46170

Қишлоқ хўжалик массиви ҳудудидаги тупроқларнинг алоҳида бонитет баллари асосида унда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари бўйича ўртача бонитет балларини аниқлаш мумкин бўлади. Бу иш жуда оддий, негаки ҳар бир фермер хўжалиги ҳудудидига кўпи билан 2 ёки 3 хил тупроқ айирмалари кириб қолиши кузатилади. Юқоридаги тенгликдан фойдаланган ҳолда улар тупроқ ерларининг ўртача унумдорлик кўрсаткичларини аниқлашимиз мумкин бўлади. Ҳар бир фермер хўжалиги бўйича ўртача бонитет балларини аниқлаш ва шундай кўрсаткичга эга бўлиш унинг кадастрини тузишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Хусусан, Хазарасп туманининг «Гурлан» шолчилик массивида фаолият юритаётган «Хосил Шер» шолчилик ва «Хударган ота» шолчилик фермер хўжаликлари майдонларида тупроқ бонитировкаси балларини аниқлаш учун массив бўйича ҳисобланган тупроқ бонитировкаси маълумотларидан фойдаланамиз. Ушбу фермер хўжаликларидан «Хосил Шер» хўжалиги ҳудудида 2 хил тупроқ айирмалари учрайди, «Хударган ота» фермер хўжалиги ҳудудида эса 3 хил тупроқ айирмалари учрайди. Уларнинг ҳар иккаласи бўйича ҳам тупроқларнинг ўртача бонитет баллари қуйидагича аниқланди.

1. «Хосил Шер» фермер хўжалиги майдонлари бўйича:

$$B_{\text{ўр}} = \frac{B_1 P_1 + B_2 P_2}{P_1 + P_2} = \frac{57 \cdot 22,4 + 38 \cdot 43,6}{66,0} = 39 \text{ Балл}$$

2. «Хударган ота» фермер хўжалиги майдонлари бўйича:

$$B_{\text{ўр}} = \frac{B_1 P_1 + B_2 P_2 + B_3 P_3}{P_1 + P_2 + P_3} = \frac{45 \cdot 22,2 + 38 \cdot 20 + 48 \cdot 20,9}{63,1} = 44 \text{ балл}$$

Шундай қилиб, ҳисоб-китоблар кўрсатадики «Хосил Шер» фермер хўжалиги тупроқларининг ўртача бонитети 39 баллни, «Хударган ота» фермер хўжалиги тупроқларининг ўртача бонитети 44 баллни ташкил этади. Бу маълумотлар ушбу фермер хўжаликлари ерлари, яъни кўп йиллик дарахтзорлари билан банд бўлган ерларини иқтисодий қийматини аниқлашда ва улар кадастрини тузишда бирламчи асос сифатида қабул қилинади.

3.3. Суғориладиган ерларни иқтисодий (норматив) баҳолаш.

Қишлоқ хўжалиги массивида фаолият юритаётган фермер хўжаликлари майдонларида тарқалган тупроқларнинг бонитировка баллари асосида ушбу маълумотлардан фойдаланган ҳолда биз массивдаги суғориладиган ерларнинг иқтисодий (меъёрий) қийматини аниқлаш ишини бажаришга киришамиз. Бунда асосан ҳисобланган меъёрий соф даромад кўрсаткичи массивнинг, хусусан фермер хўжаликларининг суғориладиган ерларини меъёрий қийматини аниқлашга асос қилиб олинган.

Массивда мавжуд бўлган, суғориладиган ерларни иқтисодий (меъёрий) қийматини аниқлаш мақсадида олдинга биз ушбу майдонларда тарқалган тупроқларнинг сифат баҳосини аниқладик. Ушбу ҳисоб-китоблар лойиҳанинг олдинги бўлимида келтирилган. Ушбу ҳисоб-китобларга кўра массив бўйича тупроқларнинг ўртача бонитети 38 баллни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган суғориладиган тупроқларнинг бонитировкасини аниқлаш услубиятига кўра қабул қилинган бонитет баллари бўйича асосий қишлоқ хўжалик экинларининг кадастрли ҳосилдорликлари 9-иловада келтирилади.

Турли сифатга эга бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг бир гектари ҳисобига олинadиган меъёрий соф даромад қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$CД_m = \frac{ЯМ_m \cdot Р_m}{100}$$

Бу ерда: $CД_m$ - бир гектар қишлоқ хўжалик ерларидан олинadиган меъёрий соф даромад млн сўм.

$ЯМ_m$ - бир гектар қишлоқ хўжалик ерларидан аниқланган меъёрий ялпи маҳсулот қиймати, млн сўм.

$Р_m$ - Турли сифатга эга бўлган ерларда вужудга келadиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг меъёрий фойда миқдори %.

Одатда меъёрий соф даромад экин майдонларининг тартибига ва қишлоқ хўжалигининг ихтисослаштирилганлигига қарб турлича таркибда ҳисобланиши мумкин. Жумладан:

-асосий қишлоқ хўжалик экини бўйича;

-ушбу ер баҳолаш объектида етиштириладиган асосий экинлар нисбати бўйича .

Асосий қишлоқ хўжалик экиенлари бўйича меъёрий ялпи маҳсулот ҳисоби ушбу экинни юқори ихтисослик даражасига эга бўлган туманларда амалга оширилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ихтисослашганлик бунда 60% дан кам бўлмаган бўлиши зарур. Масалан, бунга катта ва йирик шаҳар атрофидаги махсус ихтисослашган (сабзавотчилик, боғдорчилик ва бошқалар) хўжаликлар ёки шоли ва дон етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар шулар жумласига кирадилар. Асосий экин бўйича бир гектар ердан олинадиган

меъёрий янги маҳсулот ушбу экини кадастр ҳосилдорлигини (к/га) уни сотиш баҳосига (шартномавий, сотиб олиш, бозор) кўпайтмасига тенг бўлади.

Асосий экинлар нисбати бўйича янги маҳсулотнинг меъёрий қийматини қуйидагича тартибда аниқлаш мумкин:

-ер баҳолаш объекти бўйича экин майдонларининг таркибининг ўртача қиймати аниқланади, бунда ушбу экинлар маҳсулотни сотиш баҳолари қабул қилинади.

-ҳайдалма ернинг умумий майдонида ҳар бир қишлоқ хўжалик экинининг қийматини ҳисоблаш асосида.

Ҳисоблар қуйидаги формула формула ёрдамида бажарилиши тавсия қилинади.

$$ЯМ_m = \frac{П \cdot П_1 + DP_2 + K \cdot P_3}{(П + D + K)}$$

Бу ерда: П – бир гектар ер хисобида пахта маҳсулотларининг қиймати, млн сўм

D - бир гектар ер хисобида дон маҳсулотининг қиймати, млн сўм.

К - бир гектар ер хисобида ем хашак экинларининг қиймати, млн сўм

P1,P2,P3 – қишлоқ хўжалик экинларининг нисбати, %

Шоличиликка ихтисослашган хўжаликларда ялпи маҳсулот қийматини ҳисоблашни соддалаштириш учун кадастр объектидаги экинларнинг умумий таркибидаги нисбатига қараб шоли экини бўйича янги маҳсулот қийматини махсус тарзда ҳисобланган тузатма коэффицентларидан фойдаланиш тавсия қилинади. Бу коэффицентлар қуйидаги жадвалда келтирилади. (10 -жадвал)

10 -жадвал

Шоли экини бўйича маҳсулот қийматига тузатма коэффицентлар

Шоли экинини умумий қишлоқ хўжалик экинлари майдонидаги нисбати	Умумий хойдалма ердан олинадиган шоли хом ашёси қийматидан ялпи маҳсулот қийматига тузатма коэффицентлари,
K1	0,526
K2	0,594
K3	0,661
K4	0,729
K5	0,797

Бундай тузатма коэффицентлар бошқа экинлар учун ҳам мавжуддир. Турлича сифатга эга бўлган ерлар учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ҳисобланган фойда меъёри асосан янги маҳсулот қийматига нисбатан

фоизларда ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва у қуйидаги жадвалда келтирилади. (11- жадвал)

11 - жадвал

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳисобланган фойда меъёри.

Бонитет балли	Фойда меъёри	Бонитет балли	Фойда меъёри
10	-	60	18,0
20	6,0	70	21,0
30	9,0	80	24,0
40	12,0	90	27,0
50	15,0	100	30,0

Юқоридаги фойда меъёри кўрсаткичларидан бир гектар суғориладиган ернинг норматив қийматини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш тавсия қилинади:

$$K_m = \frac{CD_m \cdot K}{P},$$

бу ерда: K_m – бир гектар суғориладиган ернинг норматив қиймати, млн сўм.

CD_m – бир гектар суғориладиган ердан олинадиган норматив соф даромад, млн сўм.

P – капитал маблағларга қўйиладиган банк судасининг фоизи (одатда 5,0 фоиз)

K – хўжалик юритиш ва ишлаб чиқаришни жадаллашганлик даражаси бўйича коэффицент.

Хўжалик юритиш даражасини ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг жадаллашганлик даражасини ҳисобга олиш бўйича республиканинг вилоятлари бўйича қуйидаги коэффицентларни қўллаш тавсия

қилинади: Қорақолпоғистон республикаси - 0,70; Андижон – 1,20; Бухоро – 1,0; Жиззах – 0,80; Қашқадарё -0,80; навоий – 0,80; Наманган – 1,1; Самарқанд – 1,1; Сурхондарё – 1,30; Сирдарё -0,9; Тошкент – 1,20; Фарғона -1,1; Хоразм – 1,0; Ўзбекистон Республикаси бўйича – 1,00

Суғориладиган ерларнинг норматив қийматини аниқлашда уларни қишлоқ аҳоли яшаш жойларига ва маҳсулотларни сотиш бозорларига нисбатан жойлашганлиги ҳам ҳисобга олинади. Ер майдонларини аҳоли яшаш жойларига ва хўжаликлараро объектлар (маҳсулотларини сотиш пунктлари) га нисбатан узоқлиги, яъни транспорт ҳаракатига ўнғайлилиги бўйича ерларни норматив қийматини баҳолашда зарурий тузатма коэффициентлар киритилади. Бундай тузатма коэффициентлар диплом лойиҳасининг 10-иловасида келтирилади.

Ушбу, 10-иловада келтирилган коэффициентлардан аниқ ва равшан кўринадики, ер участкаси аҳоли пунктига ва маҳсулотларни сотиш бозорларига қанчалик яқин бўлса, унинг қиймати ҳам шунчалик баланд бўлади. Бундан ташқари жойнинг маҳаллий шароити бўйича ҳам тузатма коэффициентлар киритилади. Бу коэффициентлар жойдаги анча шарт-шароитларга қараб белгиланади. Бундай маҳаллий шароитга, жумладан қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси, радио линиялари билан, далаларни суғориш суви, милиоратив тармоқлар билан тўла таъминланганлиги каби ва бошқа шунга ўхшаш шароитлар киради. Албатта бундай шарт-шароитларнинг ижобий ёки салбий ҳолатлари ернинг қийматига таъсир қилади.

Ушбу юқорида қайд қилинган барча талабларни ҳисобга олган ҳолда биз «Гурлан» шоличилик массивидаги фермер деҳқон хўжаликлари ерларини норматив қийматини ҳисоблаймиз. Негаки бу қиймат фермер хўжаликлари кадастрини тузишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ҳисоб-китоблар қуйидаги, 12 - жадвалда келтирилади.

12-жадвал

Қишлоқ хўжалик массиви ерларининг меъёрий қийматини ҳисоблаш

Т.Р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Микдори
1	Тупроқ бонитетининг ўртача қиймати	Балл	38
2	Бир гектар қишлоқ хўжалик еридан олинадиган меъёрий қиймати	млн,сўм	3,0
3	Фойда меъёри	%	11,0
4	Меъёрий соф даромад (2х3):100	млн,сўм	0,33
5	Банк ссудасининг фоизи		5
6	Хўжалик юритиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг жадаллашганлик даражаси бўйича тузатма	К	1,0
7	Бир гектар ернинг базавий меъёрий қиймати (4х6х100):5	млн,сўм	6,62
8	Ер участкасининг жойлашган ўрни бўйича тузатма	К	1,22
9	Маҳаллий шароит бўйича тузатма	К	1
10	Бир гектар суғориладиган ернинг меъёрий қиймати (7х8х9)	млн,сўм	8,07
11	Фойдаланиладиган жами суғориладиган ер майдон	Га	1215,0
12	Массив ерларининг умумий меъёрий қиймати	млн,сўм	9805,1

12 жадвалдаги хисоб-китоблар натижалари кўрсатадики, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги массивининг ҳар бир гектар суғориладиган майдонининг меъёрий қиймати 8,07 млн . сўмни ташкил этади. Агарда қишлоқ хўжалиги массивининг жами суғориладиган ер майдонлари 1215,0 га ни ташкил этса, массив худудининг умумий меъёрий қиймати 9805,1 млн сўмни ташкил этар экан.

Худди ушбу услубият асосида ҳар бир фермер хўжалигининг суғориладиган ерларини меъёрий қийматини аниқлаш мумкин. Масалан, лойихада олинган “Хосил Шер” фермер хўжалиги ерларининг меъёрий қиймати қуйидаги кўринишда аниқланган. (13-жадвал)

13-жадвал

Фермер хўжалиги ерларини меъёрий қийматини хисоблаш.

Т.Р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Микдори
1	Тупроқ бонитетининг ўртача қиймати	Балл	39
2	Бир гектар қишлоқ хўжалик еридан олинадиган меъёрий қиймати	млн,сўм	3,2
3	Фойда меъёри	%	12
4	Меъёрий соф даромад (2х3):100	млн,сўм	0,34
5	Банк ссудасининг фоизи		5
6	Хўжалик юритиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг жадаллашганлик даражаси бўйича тузатма	К	1,0
7	Бир гектар ернинг базавий меъёрий қиймати (4х6х100):5	млн,сўм	6,62
8	Ер участкасининг жойлашган ўрни бўйича тузатма	К	1,28
9	Маҳаллий шароит бўйича тузатма	К	1,0

10	Бир гектар суғориладиган ернинг меъёрий қиймати (7х8х9)	млн,сўм	8,47
11	Фойдаланиладиган жами суғориладиган ер майдон	Га	66,0
12	Фермер ерларининг умумий норматив қиймати	млн,сўм	559,2

Демак, 13 -жадвалдан кўринадики, шоли-донга ихтисослашган ушбу фермер хўжалиги ерларининг 1-гектарининг қиймат баҳоси, норматив қиймати 8,47 миллион сўми ташкил этди. Бу кўрсаткич ўртача массивнинг шундай кўрсаткичидан 1,38 баробар ортиқча экан. Бу ҳақиқатдан ҳам шундай, негеки ер массивининг тупроқ бонитет баллари қанчалик юқори бўлса, ернинг иқтисодий қиймати ҳам шунчалик катта бўлади.

4 боб. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги масалалари

Фаолият ва меҳнат турмушда, жамиятда, маданиятда, ишлаб чиқаришда, илмда ва бошқа ҳаёт соҳаларида кечадиган амалий, ақлий ва маънавий жараёнларни ўз ичига олади. Фаолият жараёнининг моделини умумий ҳолда иккита элементдан ташкил топган деб қараш мумкин, яъни бир-бири билан тўғри ва қайтма алоқада бўладиган инсон ва муҳит элементларидир.

Кўнгилсиз оқибатларни келтириб чиқарувчи ҳодиса, таъсир ва бошқа жараёнлар хавфлар деб аталади. Хавфлар яширин (потенциал) ва реал турларга ажратилади. Хавфлар учун қуйидаги белгилар характерлидир: ҳаётга таҳлика, соғлиқка зарар, инсон аъзолари ишлашининг қийинлашишидир.

Тажриба шуни кўрсатади, ҳар қандай фаолият потенциал хавфлидир. Бу тасдиқланиш аксиомал характерга эгадир ва бир вақтнинг ўзида тан олинадики, хавф (таваккал) даражасини бошқарса бўлади, яъни камайтурса бўлади. Бу тасдиқланиш эса маъқул бўлган таваккал концепсиясига олиб келади. У абсолют хавфсизликга эришиб бўлмаслигини тушунишга асосланади. Хавфсизлик - бу фаолиятнинг ҳолати бўлиб, маълум эҳтимолликда хавфларнинг келиб чиқишини бартараф қилишдир. Хавфсизлик - бу инсонлар олдида қўйилган мақсаддир. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги эса мақсадга эришишнинг восита, йўл ва усулларидир. “Ҳаёт-фаолият хавфсизлиги” - хавфлар ва улардан ҳимояланишни ўрганади. Уни ўрганишнинг предмети - фаолият (меҳнат)нинг бир томонидир, айнан хавфлар улардан ҳимояланиш мақсадида. Одамзот ҳар доим ўзининг хавфсизлигини таъминлашга интилади. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан бу масалалар махсус билимларни талаб қилади.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари ерларни суғориш, зах қочириш учун бевосита магистрал ва хўжалик ички каналларидан фойдаланадилар. Катта каналлардан фойдаланиш жараёнида турли хилдаги фавқулотда вазиятлар юз бериши эҳтимолдан холи эмас. Шундай экан бундай вақта объектдаги ишчи ходимларни фавқулотда вазиятларнинг зараридан ҳимоя қилиш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади.

Фермер ва деҳқон хўжаликларида юзага келган фавқулотда вазиятларни олдини олиш, уларнинг таъсирини камайтириш учун тадбирлар мажмуини олдиндан режалаштириш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак. Бу тадбирлар қуйидагилари ўз ичига олади:

- фавқулотда вазиятларда фуқаро муҳофазасини ташкил қилиш бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар (қарорлар, фармойишлар) ишлаб чиқиш;

- юз бериш эҳтимоли бўлган фавқулотда вазиятни башоратлаш, уни олдини олиш ҳамда ишчи ходимларни фавқулотда вазиятда муҳофаза қилиш соҳасида стратегик режалаштириш ягона марказини ташкил этиш;

- хавф-хатар мавжуд бўлган объектларда ишлайдиган ходимларнинг хавфсизлик технологияси интизомини билишлари, муҳими унга риоя қилиш юзасидан тайёргарлик кўришларини ташкил этиш;

- барча фавқулотда вазиятларга хавфли объектларни кузатиш, назорат қилиш тизимини ташкил этиш ва барқарор ишлашини таъминлаш;

- хавфсиз ишлаб чиқаришнинг умумий муҳандислик техникавий тадбирларини амалга ошириш (хавфлилик даражаси юқори объектларни хавфсизроқ технологияларга ўтказиш, хавфлилик даражаси юқори бўлган объектларни аҳоли турар жойларидан четга олиб чиқиш; назорат қилиш ва бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, ишлаб чиқаришнинг хавфсиз тизимларини яратиш, маҳсулотлар тайёрлаш жараёнида ишлатиладиган хавфли модда материаллар миқдорини камайтириш;

- хавф-хатар эҳтимоли бор объектларни керакли кузатиш ва назорат мосламалари билан таъминлаш;

- фавқулотда вазиятлар хавфи мавжуд объектларни керакли жамоа ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

- фавқулотда вазиятларни тез ва самарали бартараф этиш усуллари, йўллари ва технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Муайян доирадаги сув босиш эҳтимоли бўлган жойдаги аҳолининг оммавий талофат кўриши, иморат ва иншоотлар вайрон бўлиши, бошқа моддий бойликларга зарар етиши ва яксон бўлиши мумкин бўлган район сув босиш эҳтимоли бўлган ҳудуд ҳисобланади.

Шунинг учун магистрал каналлар ва ички хўжалик каналлари яқинида барпо этиладиган аҳоли яшаш пунктлари барпо этишда бир қатор талабларга риоя этиш зарур. Булар:

- ҳар қайси 1 км^2 қурилган жойга $1500-3000\text{ м}^2$ сув тўғри келадиган сунъий ҳовузлар қуриш;

- аҳоли яшаш жойлари ҳудудини 100-150 гектардан кам бўлмаган қисмларга бўлиш (улар орасидаги масофа камида 100 бўлиши керак);

- кўкаламзор майдонлар ва қаторлар яратиш;

- шаҳардан ташқарига қурилган зонага камида икки йўналишда чиқиб бориш имкони бўлишини ҳисобга олган ҳолда, шаҳар атрофида йўл тармоғи қуриш керак;

- автотранспорт ва темир йўл платформаларини бирлаштириб қуриш;

Фермер хўжаликларида фавқулотда вазиятларда ишчи ходимларни муҳофаза қилишнинг моҳияти, фавқулотда вазиятларнинг олдини олиш, уларни енгиллаштириш ва улардан шикастланишини камайтириш ҳамда фавқулотда

вазиятни бартараф этиш негизлари, усуллари, воситалари ва тадбирларини тўлик амалга оширишдир.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, ҳар бир объект лойиҳаланаётганда фуқаро муҳофазасининг муҳандислик техникавий тадбирлари назарда тутилса ва жорий этилса, шундагина улар самарали натижаларни беради. Чунки шундагина моддий ресурслар, шундагина ҳар хил ғавқулотда вазиятлардан омон қолиш, ҳеч бўлмаганда кўриладиган талофат энг кам миқдорда бўлиши мумкин.

Ёнғинлар халқ хўжалигига катта зарар етказувчи табиий офат ҳисобланади. Шунинг учун буни олдини олиш ва ёнғинни келиб чиқишини олдини олиш зарур.

Фермер ва деҳқон хўжаликларида ёнғинлар оловдан фойдаланиш талабларига риоя қилмаслик, электр симлари ва иситиш системасининг носозлиги натижасида келиб чиқади.

Фермер ва деҳқон хўжаликларининг бошқарув биноларида ёнғин хавфсизлиги бўйича маъсул шахс бўлади. У шу бинонинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун маъсул ҳисобланади. СФУ бошқарув биносида ўт ўчириш яшиги, ўт ўчиргичлар кўз кўрадиган жойга жойлаштирилади. ўт ўчириш мақсадлари учун мотопомпа, махсус ва қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиш мумкин.

Шу билан биргаликда ёнғин хавфсизлигига доир тарғибот ва ташвиқот материаллари жойларга ўрнатилиб қўйилади.

Фермер ва деҳқон хўжаликларида ғавқулотда вазиятлар юз берганда ёки ишлаб чиқариш жараёнларида ишчи ходимлар турли хил тан жароҳатини олади. Бундай ҳолларда уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилади. СФУ даги ҳар бир ишчи ходим биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш калоиларини амалга оширишни билиши керак. СФУларда ғавқулотда вазиятлар юз берганда ёки ишлаб чиқариш жараёнларида асосан қуйидаги жароҳатланишлар кўп учрайди:

Хушдан кетиш. Хушдан кетиш деганда бош мия томирларининг қисқа муддатли спазми натижасида юз берадиган хушнинг қисқа муддатга йўқолиши тушунилади.

Қон кўп йўқотиш, оғриқ, чарчаш, психик кечинмалар ва шу кабилар ҳам хушдан кетишга сабаб бўлади.

Тўсатдан хушдан кетишда, тери ва шиллиқ пардаларнинг кескин оқариши, юза нафас олиш, томир уришининг сустлашиши кузатилади.

Хушдан кетиш сабабини бартараф қилиш лозим. Шикастланган кишини бошини пастга қилиб, оёқларини эса баландроқ қилиб ётқизилади. Беморга новшадил (нашатир) спирт буғлари ҳидлатилади. Оғир ҳолларда суъний нафас олдирилади. Новшадил спирт ўрнига овқатга қўшиладиган сирка ёки кесилган пиёзни ҳидлатиш мумкин.

Электр токидан шикастланиш. Ишлаб чиқаришда, аварияларда ёки табиий офат содир бўлганда кўпинча одамларни ток уриб шикастланиши мумкин. Бундай ҳол шикастланган кишилар ва қутқарув ишларини олиб бораётганлар Билан ҳам юз бериши мумкин.

Электр токидан шикастланган киши организмда тананинг айрим жойларида умумий ёки маҳаллий ўзгаришлар юз беради: тери куйиши, юмшоқ тўқималарнинг куйиши, асаб тизимини ишан чиқиши, нафас олишнинг тўхтаб қолиши ва шу кабилар.

Электр токи урган кишини зудлик билан ток таъсиридан қутқарилади. Бунинг учун ток манбаадан ўчирилади, ёки шикастланган кишини ток ўтаётган симдан ажиратиб олинади.

Ток таъсиридан қутқарилган киши хушида бўлса текис жойга ётқизилиб тоза ҳаво билан таъминлаш керак. Агар ток урган киши беҳуш бўлса зудлик билан сунъий нафас олдирилади ва юраги массаж қилинади. Суъний нафас

олдирилаётганда шикастланган кишини зах ерга, бетон полга ётқизиб бўлмайди. Биринчи ёрдам кўрсатаётган киши тез ва пухта ҳаракат қилиши керак.

Сувга чўкишда биринчи ёрдам. Сув омбори, канал, гидротехника иншоотларида ишловчи ходим, суза билиши, эшкак олиш, кайикни бошқара олиши керак. Шу билан бир қаторда чўккан одамни қутқариб биринчи ёрдам кўрсатишни билиши зарур. Сувга чўкаётган кишига ёрдам бериш учун иложи борица унинг орқа елкаси томонидан келиб сочидан ёки кийимда бўлса унинг елкасидан тортиб сувдан чиқариш зарур.

Сувдан чиқариб олинган кишини териси кўкариб, томирлари шишган бўлса қутқарилган кишини бошини кўкрагидан паст қилиб, қорни билан ёрдам бераётган кишининг букилган тиззасига ётқизилади. Сўнгра бармоққа даструмол ёки тоза дока ўраб унинг оғзи ва томоғи бегона нарсалардан тозаланиб ташланади. Кейин орқа елкаси томондан икки курак ўртаси босилади, шунда ўпка, ошқозонга тушган сувлар ташқарига чиқиши керак. Бу ишни тезда амалга оширилмаса чўккан одам ичидаги сувлар 4-5 минутдан кейин қонга ўтиб у ҳалок бўлиши мумкин.

Агар сувдан қутқарилган кишининг териси оқарган бўлса, унинг нафас йўлларига сув кирмаганлигини билдиради. Бундай ҳолда зудлик билан бурун ёки оғизга хаво пуфлаш, юкни массаж қилиш усули билан суъний нафас олдиришга киришиш зарур.

Синишлар ва лат ейишлар. Инсон организмида суякларнинг синиши ёки чиқишини шу жойнинг ишиб кетиши, одатий бўлмаган кийшайиш ва оғриқ туфайли аниқлаш мумкин. Бундай пайтда биринчи вазифа шикастланган бўғинларни қўзғалмайдиган тинч ҳолатини сақлаш керак. Лат еган жойни яхлатиш зарурдир. Бу тадбир оғриқни қолдириш билан биргаликда зарар етмаган жойларга ҳам путур етказмасликни таъминлайди ва шу ўринда беморни касалхонага олиб боришда ёрдам беради. Бундай ҳолатни сақлаш синган ёки чиққан жойга фанер, картон шиналар қўйиш ёрдамида таъминлаш мумкин. Шиналарни қўйиш ва уни

боғлаш вақтида имкон қадар лат еган жойни аввалги ҳолатини ўзгартирмасликка ҳаракат қилиш керак.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, биз ушбу диплом лойиҳасида шолчиликка ихтисослашган, янги ўзлаштирилган қишлоқ хўжалиги массиви ва унда фаолият олиб бораётган баъзи бир фермер хўжаликлари ерларида тупроқ бонитировкасини ўтказиш ҳамда ушбу бонитировка маълумотлари асосида суғориладиган ерларни норматив қийматини аниқлаш, қишлоқ хўжалик массивида ерларни миқдорий ҳисобини юритиш ишлари билан шуғулландик.

Маълумки, ерларни норматив баҳолаш ишлари бугунги кунда иқтисодиётнинг турли масалаларини ижобий ҳал қилишда кенг қўлланилади. Хусусан, бундай маълумотлар ягона ер солиғини ҳисоблашда, ер участкаларини аукционларда реализация қилишда, ипотека масалаларини ҳал қилишда кенг қўлланилади.

Ўтказилган ҳисоб китоблар кўрсатадики, массив тупроқларининг ўртача бонитети 38 баллни ашқил этган. Шу асосда суғориладиган ерларни норматив қийматини ҳисоблаш натижаси кўрсатадики, 1 га массив суғориладиган ерининг норматив қиймати 8,07млн. сўмни ташкил этади. Бунда массив ерларининг умумий норматив баҳоси 9805,1 млн.сўмни ташкил этади. Худди шунга ўхшаган ҳолда “Хосил Шер” фермер хўжалиги тупроқларининг ўртача бонитети 39 баллни ташкил этгани ҳолда у фойдаланаётган ҳар гектар суғориладиган майдоннинг норматив баҳоси 8,4 млн. сўмни ташкил этади. Ушбу маълумотлар истиқболда массив ерларидан фойдаланишни оқилона ташкил этишда бирламчи манба сифатида фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (асосий қонуни).Т., Ўзбекистон, 2008 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. 19-жилд. Т.,Адолат, 1998 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Давлат ер кадастри тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. 19-жилд. Т.,Адолат, 1998 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Давлат кадастрлари тўғрисида». Т., Адолат, 2001 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Баҳолаш фаоляти тўғрисида». Т.,Адолат, 2004 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Фермер хўжалиги тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. 19-жилд. Т.,Адолат, 2004 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил. 31-декабрдаги 543-сонли қарори « Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисида». Т., 2004 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 8-майдаги 210-сонли қарори «Баҳолаш фаолятини лицензиялаш тўғрисида». Т., 2003 йил.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012-йил 22-октябрдаги ПФ-4478-сонли фармони « Ўзбекистонда фермерлик фаолятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида». Т.,2012 йил.
10. Каримов.И.А «Ислохотлар стратегияси-мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишдан иборат». «Халқ сўзи», 2003-йил 8-феврал.

11. Каримов.И.А Жахон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т., Ўзбекистон 2009 йил.
12. Каримов.И.А Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир.Т., Ўзбекистон 2008 йил.
13. Аvezбoев.С.А Проблемы рационального и эффективного использования земель в Низовьях Амударьи. Т.,Мехнат, 2002 йил.
14. Бабажанов.А.Р , Рахмонов.Қ.Р, Ғофиров.А. Ер кадастри (ўқув қўлланма). Т., Чўлпон, 2002 йил.
15. Бабажанов.А.Р , Рахмонов.Қ.Р, Ғофиров.А. Ер кадастри (дарслик). Т., ТИМИ, 2008 йил.
16. Бабажанов.А.Р, Нишонбоев.Н.М, Назаров.Б.Р. Кучмас мулк кадастри. Т., Давр, 2012 йил.
17. Бабажанов.А.Р, Рўзибоев.С.Б. Аҳоли яшаш жойлари кадастри (ўқув қўлланма). Т.,Тафаккур, 2011 йил.
18. Нишонбоев.Н.М. Давлат кадастри асослари (ўқув қўлланма). Т.,ТАҚИ, 2008 йил.
19. Рахимов.В.Р, Бабажанов.А.Р. Давлат кадастри асослари (ўқув қўлланма). Т., Чўлпон, 2012 йил.
- 20.Толипов Ғ.А. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси ер кадастри. Т., Агроинформ, 1992
21. «Тупроқ бонитировкаси ва ерларни иқтисодий баҳолаш» мавзусидаги топшириқни бажариш учун услубий кўрсатмалар. Тузувчилар: доцент Бабажанов.А.Р , Саидов.Б.Т, ТАҚИ 2013 йил.

Интернет сайтлари

www.my.gov.uz

www.kadastre.uz

И Л О В А Л А Р

